



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS
TA'LIM VAZIRLIGI



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
INNOVATSION
RIVOJLANISH VAZIRLIGI

ЗАМОНАВИЙ КИМЁНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

мавзусидаги Республика миқёсидаги
хорижий олимлар иштирокидаги
онлайн илмий-амалий анжумани

ТЎПЛАМИ



2020 йил 4-5 декабрь

3-ШҶЪБА

ТАЛАБАЛАР БИЛАН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ БАЖАРИШДА ҲАМКОРЛИҚДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ

С.И. Назаров, Г.И.Тошимова

Бухоро давлат университети

Бизлар томондан “Маҳаллий меваларда сувда эрувчан углеводларни аниқлаш” мавзусида лойиҳа тайёрланди. Бу иш олий таълим муассасасида ҳамкорликда амалга оширилди.

Лойиҳани тайёрлаш ва уни бажариш режаси ишлаб чиқилиб, у бир неча босқичларни ўз ичига олади:

I. Ташкилий

1. Жамоа тузиш, лойиҳани яратиш учун долзарб соҳанинг танланишини муҳокама қилиш, муаммони, унинг концепциясини асослаш, текшириладиган объектни танлаш, адабиёт манбаларини излаш, тажрибани бажариш учун жойни танлаш.

2. Мавзунини аниқлаштириш, мақсад ва вазифаларни ҳамда тадқиқот объекти ва предмети ифодалаш, адабиётлар билан ишлаш, ҳат яратиш.

II. Лойиҳанинг бажарилиши

3. Керакли маълумотларни йиғиш ва ўрганиш, йиғилган ахборотни таҳлил қилиш.

4. Реактивларни тайёрлаш, тадқиқот тажрибаларини ўтказиш ва олинган натижаларни ҳисоблаш.

5. Лойиҳани расмийлаштириш: хулосалар, жадваллар, расмлар, адабиётлар рўйхати.

III. Лойиҳани ҳимоя қилиш

6. Презентацион материалларни тайёрлаш, маърузани тайёрлаш

7. Жамоа олдида чиқиб маъруза қилиш, кўргазмаларда ишитроқ қилиш.

IV. Лойиҳани баҳолаш

8. Лойиҳани бажарилиши натижаларининг таҳлили.

9. Лойиҳани бажариш сифатини баҳолаш.

III босқич талабаларига меваларнинг углеводлар кимёси билан боғлиқ лойиҳани бажариш учун биоорганик кимё фани таклиф қилинди. Бизлар жамоа туздик ва мунозара жараёнида лойиҳани ёзиш ғоясини, шу соҳа билан боғлиқ бўлган долзарбликни муҳокама қилдик, муаммони аниқладик ва тахминларни таклиф қилдик. Учрашув вақти ва лойиҳани бажариш жойини келишиб олдик.

Бизлар лойиҳа мавзусини “Маҳаллий мевалардаги сувда эрувчан углеводларни аниқлаш” деб номладик, мевалардаги сувда эрувчан углеводларни миқдорий аниқлаш ва одам организми учун руҳсат этилган нормаларини билишдан иборат лойиҳа мақсадини ифодладик. Мавзу ва

мақсадга мувофиқ лойиҳани амалга ошириш учун қуйидаги вазифалар аниқланди:

1. Мевалар кимёсига бағишланган адабиётлар бўйича тадқиқ қилинадиган масаланинг ҳолатини ва одам организмига углеводларнинг таъсирини ўрганиш.

2. Олма, ўрик, узум ва гилоснинг фойдали ва зарарли хоссаларини ҳамда уларнинг одам организмига таъсирини таҳлил қилиш.

3. Текшириладиган меваларда сувда эрувчан углеводларнинг миқдорини Бертран бўйича титрлаш усули билан аниқлаш.

4. Тажриба натижаларини адабиётлардаги маълумотлар билан қиёсий таҳлилинини ўтказиш.

5. Мевалардаги қанд моддаларини қондаги рухсат этилган қанд нормаси билан таққослаш, текшириладиган меваларнинг кунлик рационда хавфсиз истеъмол қилиш нормасини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олма, ўрик, узум, гилос каби мевалар ва уларнинг кимёвий таркиби олинди, тадқиқот предмети эса мевалардаги сувда эрувчан углеводлар ҳисобланади.

Экспериментал тажрибаларни ўтказиш жараёни анча машақатли бўлди, битта мева учун 2-3 иш куни сарфланди. Лекин ҳисоблашлар осон кечди. Талабаларда ҳеч қандай саволлар туғилмади ва кўп вақтни олмади. Меваларнинг кимёвий таркиби, фойдали ва зарарли хоссалари, озиқлик қийматинини олдиндан ўрганган ҳамда углеводларнинг фоиз миқдори бўйича адабиётлар маълумотларига эга бўлган ҳолда, бизлар олинган натижаларни таққослаб билдик. Шунингдек мевалардаги қанд моддалари билан қанднинг қонда рухсат этилган нормаси билан таққосладик, меваларни хавфсиз истеъмол қилиш нормасини аниқладик.

Ишнинг хулосалари қуйидагилардан иборат:

1. Маҳаллий меваларда сувда эрувчан углеводларни текшириш давомида бизлар экспериментал равишда уларнинг миқдорини аниқладик ва улар олма учун 118 мг, ўрик учун 170 мг, гилос учун 170 мг ва узум учун 310 мг ни ташкил қилди. Олинган маълумотлар адабиёт маълумотларидан бир оз фарқ қилади. Буни бизлар текшириладиган меванинг этилганлик даражаси, навларидаги тафовути ва тажриба давомида рўй берган кимёвий ўзгаришларга боғлиқ деб тахмин қилдик.

2. Меваларни максимал истеъмол қилиш маълумотларини, суткалик нормани аниқладик: олма – 525 г дан ортиқ эмас, ўрик – 790 г дан ортиқ эмас, гилос – 510 г дан ортиқ эмас, узум – 500 г дан ортиқ эмас. Табиий мева шарбатлари – олма кунига 400 мл, ўрик – кунига 450 мл, гилос – 400 мл, узум – 450 мл.

IMPORT O'RNINI BOSUVCHI MAHALLIYLASHTIRILGAN AKRIL EMULSIYALARI. S.B. Nazarov, A.A. Zaripov, A. Ergashov, V.N. Axmedov	160
ҚУРИЛИШДА ГИДРОФОБИЗАТОР СИФАТИДА ГИПАН АСОСИДАГИ КРЕМНИЙОРГАНИК ПОЛИМЕРЛАР ОЛИШ. Ф.Ф. Рахимов, В.Н. Ахмедов, Г.Қ. Холиқова	162
КРАХМАЛ ПЛЁНКАСИНИНГ ЭРУВЧАНЛИГИГА ВА СОРБЦИОН ХУСУСИЯТЛАРИГА ПОЛИМЕРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ. Д.Ш. Жўраева	164
KRAHMALNI SUVDA ERUVCHAN SINTETIK POLIMERLAR BILAN MODIFIKATSIYALASH VA OHORLOVCHI KOMPONENT TARKIBINI ISHLAB CHIQUISH. H.Q.Razzoqov, Sh.Sh.Ortiqov, Sh.N.Shukrullayev	165
MODIFIKATSIYALANGAN KRAHMAL BILAN OHORLANGAN KALAVA IPLARNING FIZIK-MEXANIK XOSSALARI. Sh.Sh.Ortiqov, H.Q.Razzoqov, F.I .Ostonov, Yunosova D.O.	167
Оҳор хусусиятларига дикрахмалфосфат таркибининг таъсири. Назаров С.И., Остонов Ф.И., Саидов О.А., Ашуров А.Д.	168
3-ШЎЪБА	
ТАЛАБАЛАР БИЛАН ЛОЙИҲАЛАШТИРИШ УСЛУБИЁТИНИ БАЖАРИШДА ҲАМКОРЛИКДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРИШ. С.И. Назаров, Г.И.Тошимова	171
KIMYO DARSLARIDA STEAM TECHNOLOGIYASINI QO'LLASH G.A.Xudoynazarova, S.Q.Berdiyev.	173
MASOFAVIY TA'LIM JARAYONINI ANAMIYATI VA UNI TASHKILLASHTIRISH. M.K. Ochilova, I.M.Davronova. Z.K. Nozimova	174
TA'LIM JARAYONIDA BO'LAJAK PEDAGOGNING KREATIV QOBILİYATLARINI RIVOJLANTIRISH. M.K. Ochilova, M.K. Odilova	176
KIMYO FANLARINI O'QITISHDA TALABALARGA EKOLOGIK TA'LIM-TARBIYA BERISH. M.K. Ochilova	178
KIMYO FANI VA UNI O'QITISHNING METODOLOGIK MUAMMOLARI. Mamadaliyeva N.I.	179
ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИДА КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ. Л.М. Усмонова	180
КИМЁ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ ФАНИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА КИМЁГАР ОЛИМЛАРНИНГ ЎРНИ. М.С. Хатамова, Л.М. Усмонова	181
АКТИВИЗАЦИЯ УЧЕБНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ ПРИ ИЗУЧЕНИИ БИООРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ В ДИСТАНЦИОННОМ ФОРМАТЕ. Ш.В. Абдуллаев., В.А. Борисова., Н.Н. Убайдуллаева	182